

2025-yil
17-iyul
payshanba
№88
(5152)

Ishonch

YURT TARAQQIYOTI YO'LIDA BIRLASHAYLIK!

Бизнинг энг катта бойлигимиз юртимиз тинч-лиги, халқимизнинг осойишталиги. Тинч-лик барқарор бўлса, мана шундай бунёдкорлик бўлади, режалар амалга ошади. Давлат ташкилотларини сафарбар қилиб, имкониятларни юзага чиқариб, ҳамма ҳудудларни ривожлантиришга ҳаракат қилаёلمиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Ўзбекистон касба уюшмалари Федератсияси nashri

ТАБАРРУК ТАШРИФЛАРНИНГ ТОТЛИ МЕВАЛАРИ

...Мана энди Президент Шавкат Мирзиёевнинг Тошкент вилоятига қилган битта ташрифи неча минглаб кўнгилларга севинч, бахт, умид, ишонч, гўзаллик, нур бағишлаганини чамалаб кўринг. Сўнгра унинг ёнига яна ўн ташрифи кўшинг. Ўн ташриф — ўн тўлғаниш, ўн уйғониш, ўн эврилиш. Ҳар ташрифдан сўнг ҳеч нима йўқ жойларда азамат қорхоналар қад кўтараётгани, қақиртиқан, ажриқ босган ерлар гулларга кўмилиб бораётгани, юз-юзлаб оилалар уй-жойли бўлаётгани-ю қаерга бош уришини билмай юрган минглаб ёшларнинг иш билан таъминланганини ҳисоблаб кўрсангиз, Президент ташрифларининг мазмун-моҳиятини янада теранроқ ҳис қиласиз.



2-3-саҳифаларда ўқинг...



ҲЕЧ БИР МУРОЖААТ ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Шофиркон туманида истиқомат қилувчи Ситора Холикова икки нафар вояга етмаган фарзандни тарбиялаётган ёлғиз она. У қарздорлиги туфайли хонадони газ тармоғидан узиб қўйилганидан кейин Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг 1211 рақамли «Ишонч телефони»га сим қоқди. Мурожаатида оилавий шароити оғирлиги, боқув-чиси йўқлиги ва кам таъминланган оила сифатида моддий ёрдамга муҳтожлигини билдирди. Мурожаат у истиқомат қилаётган Мирзоқул маҳалла фуқаролар йиғини ва тегишли ташкилотлар томонидан ўрганилди.

Ўрганиш жараёнида Ситора Холиқованинг, ҳақиқатан ҳам, ёлғиз она экани, икки фарзанди борлиги ва молиявий қийинчиликлар сабаб газ таъминотидан узилгани тасдиқланди. Ҳомийлар кўмағида қарздорлик тўланиб, хонадоннинг газ таъминоти қайта тикланди. Мурожаатчи муаммосини ижобий ҳал қилишда кўмаклашган барча мутасаддилардан миннатдор эканини билдирди.

Дилдора ИБРОҲИМОВА
«ISHONCH»

КАСАБА УЮШМАСИ АРАЛАШГАЧ...

БЕПИСАНДЛИК ОҚИБАТИ

Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмасининг Тошкент вилояти кенгашига Оҳангарон шаҳар тиббиёт бирлашмасининг Умумий иқтисодий масалалар бўйича бирлашма бошлиғи муовини Д.Турсуновдан шикоят-ариза келиб тушди.

Аниқланишича, унга дастлаб муассаса томонидан интизомий жазо чорасини қўллаш тўғрисида буйруқ чиқарилган. Бироқ бу ҳолатда розилик олинмиши шарт бўлган касба уюшмаси позициясига аҳамият берилмаган. Ваҳоланки, Оҳангарон шаҳар тиббиёт бирлашмаси раҳбари томонидан шартномани иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш тўғрисида касба уюшмасига тақдимнома киритилган. Лекин бунга касба уюшмаси кўмитаси рози-


лик бермаганига қарамай Д.Турсунованинг иш берувчи ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида буйруқ чиқарилган.

Тармоқ ходимлари касба уюшмаси Тошкент вилояти кенгаши томонидан тақдимнома киритилди, бироқ бажарилмади. Шундан сўнг иш судга оширилди. Суд Д.Турсуновани Оҳангарон шаҳар тиббиёт бирлашмаси умумий иқтисодий масалалар бўйича бирлашма бошлиғи муовини лаво-

зимига тиклаш тўғрисида қарор чиқарди. Шунингдек, унинг мажбурий бекор юрган кунлари учун 11 млн. сўмдан зиёд ҳамда давлат даромадига салкам 2 млн. сўм маблағ ундирилиши белгиланди.

Муҳаммаджон РЎЗМЕТОВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Тошкент вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори

БУГУНГИ СОНДА:



КЕЧНИНГ
ТИНЧЛИНИ
БУЗАЁТГАНЛАР

4-саҳифада ўқинг...



БОЛАЛАР
ТИЛАНЧИЛИГИ:
ЧОРАСИЗЛИКМИ
ЁКИ ХУДБИНЛИК?

4-саҳифада ўқинг...



Сизга ҳам тавсия этамиз!



«Ishonch»нинг
YouTubeдаги
саҳифасида
кўринг!

www.ishonch.uz



ishonch1991@yandex.uz



facebook.com/ishonchofficial.uz



https://t.me/ishonchuz_official



ЁШЛАР ОВОЗИ

БИЛДИРИЛГАН
ИШОНЧНИ
ОҚЛАЙМИЗ

ЁШЛАРНИНГ ИЖОДИЙ, ИЛМИЙ ВА КАСБИЙ САЛОҲИАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, МАМЛАКАТИМИЗДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ФАОЛ ИШТИРОКИНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА ВАТАНПАРВАРЛИК ТҲҲҲСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ҚАТОР ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛЯПТИ.

Бу жараёнлардан Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касабаси уюшмаси ҳам четда тургани йўқ. Хусусан, тизимдаги ташкилот ва корхоналарда меҳнат қилаётган иқтидорли ёшларни аниқлаб, уларни қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратил-япти.

Жумладан, узоқ муддат фойдаланадиган товарлар харид қилиш, уй-жой қурилиш, шунингдек, сафарбарлик чакирув захирасида хизмат ўташи учун физсиз ссудалар бериш, иш берувчининг молиявий имкониятларидан келиб чиқиб, корхонага янги ишга жойлашган олий таълим ёки профессионал таълим муассасалари битирувчиларига моддий ёрдам кўрсатиш каби қўшимча имтиёз ва кафолатлар бериш белгиланган. Тармоқ тизимида илмий даражали ёш олимплар ҳозирги кунда икки карра ошиб бормоқда. Улар билан фикр-мулоҳаза алмашиш мақсадида ҳудудларда мунтазам учрашувлар ўтказилляпти.

Албатта фаолиятимизда айрим масалалар эътибордан четда қолаётганидан қўз юмиб бўлмайди. Мисол учун талабалар яшаш шароитларини ўрганиш давомида шунга амин бўлди. Ижарада турган талабалар билан суҳбатда уларга зарур шарт-шароитлар яратиш, истеъдодини юзага чиқариш учун ҳар биримиз масъул эканимизни яна бир бор англадик.

Самарқанд 2-политехникумида ўтказилган «Раҳбар ва ёшлар» учрашувида 170 нафар ўқувчи йигит-қиз иштирок этди. Уларга касабаси уюшмаси афзалликлари тушунтирилди. Зомин тумани 2-касб-хунар мактабиди бўлиб ўтган очик мулоқотда эса ватанпарварлик, юртга садоқат, ҳалоллик ва мардлик туйғуларини мустаҳкамлаш масалаларида фикр алмашилди.

Боёвут тумани 2-политехникумида 335 нафар ўқувчи таълим олади. Ўқувчилар билан бўлган учрашувида уларнинг бўш вақтларида нималар билан шуғулланишини ўргандик. Керакли маслаҳатлар берилди.

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси тизимида ўтказилган шахмат мусобақасининг республика босқичи доирасида амин бўлди-ки, орамизда иқтидорли ёшлар чиндан ҳам кўп. Уларни мана шундай тадбирлар орқали юзага чиқариш қувонарли.

Тошкент архитектура университетида ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий билимлари ва нутқий маданиятини ошириш мақсадида «Заковат» интеллектуал ўйини ўтказилиб, ундан кўзланган мақсадга эришилди.

Ёш ходимлар ва касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасидаги «Энг фаол ёш ишчи касб эгаси» танлови, «Янги Ўзбекистон бунёдкори» республика ёшлари форумларини ҳам шулар қаторида санаб ўтиш жоиз.

Бир сўз билан айтганда, ёшлар барча даврларда фаол қатлам сифатида эътироф этиб келинган. Шарқ Уйғониш даврида ҳам, жадидлар фаолиятида ҳам, жамиятнинг янгилаанишида уларнинг ўрни бекиёс бўлган. Шу жиҳатдан уларни доимо қўллаб-қувватлаб туриш талаб этилади. Биз эса ҳамиша бу жараёнларнинг фаол иштирокчиси бўлишдан манфаатдормиз.

Мирзиёд ЮСУПОВ,
Транспорт, йўл ва капитал қурилиш,
қурилиш индустрияси ходимлари
касбаси уюшмаси Респубика кенгаши
раисининг ёшлар масалалари
бўйича маслаҳатчиси



Абдусайд КҲЧИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати аъзоси,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган ёшлар
мураббийси



ТАБАРРУК ТАШРИФЛАРНИНГ

1

...Исроил — Эрон зиддиятлари кескинлашди. Америка учоклари Эронга бомба ёғдирди. Фаластин — Исроил ўртасидаги муносабатлар таранглашди. Ғазо секторида очлик, ғайринисоний азоблар. Россия — Украина уруши янаям ваҳимали тусга кирди.

Уруш, хавотир, ташвиш, безовта-беоромлик она сайёрамизнинг кечагина гуркираб турган боғларини ўргимчак тўридек ўраб бораётган кунларда Ўзбекистон Президенти Тошкент вилоятига борди. Ёзги қуёш зиёларига қўмилиб меҳнат қилаётган деҳқонлар, боғbonлар, қурувчилар, йўлсозлар, зиёлилар билан учрашди, гурунглашди. Корхоналарга, хонадонларга кирди, одамларнинг орзу-ўйлари, қувонч-ташвишлари, режалари билан танишди, фикрлашди.

Жанжаллар, гарчанд, сарҳадларимиздан олисларда бўлаётган эса-да, улар ёшу қари — ҳаммамизга ипидан-игнасиғача маълум. Шарқнинг доно оқини Абдулла Орипов таърифлаган «Қува анори»дек дунёда бўлаётган бўронларни Интернет тармоқлари кўзгудай лаҳзама-лаҳза кўрсатиб турганда бирон нарсани яшириш қийин. Она замин қалбидидаги жароҳатлар аллақачон ҳаммамизнинг «ёрилмаган яра»мизга айланиб бўлди. Осмонўпар иморатлар ер билан битта бўлди, боғлар куйди, қишлоқлар ёнди. Ичи музлаб, умиди сўниб, қўли ишга бормай қўчаларда сарсон-саргардон бир қанча мамлакатларнинг бегуноҳ фуқаролари. Дунёвий қонун-қоидалар туғул БМТ ҳужжатлариниям бир қақага олмай қўйган зўронлар эса ҳали-ҳануз кибру ҳаволардан қутулган эмас. Улар ёвузлик гирдобига борган сайин қўқурроқ ботиб бораётган дамларда Ўзбекистон Президенти Тошкент вилоятида бўлди.

Мамлакатнинг йирик қўрғонларидан бўлган Тошкент вилоятининг барча шаҳару қишлоқларини обод ва кўркем қилиш орзу-ўйлари иқтидорга келганидан буён бир нафас ҳам тинч қўймаётган давлат раҳбарининг бу галги режалари жуда бошқача...

«Бу диёрнинг энг асосий бойлиги — аслида, унинг меҳнаткаш, бағрикенг, қўпмиллатли халқидир», дея таърифлаган Президентимиз Тошкент вилояти аҳли хузурига бораётиб, пойтахт биқинида тубдан қайта қурилатган «Тошкент — Шарқий» аэропорти-ни кўздан кечирди. Аэропортнинг тўрт километр узунлиқдаги учиш-қўниш йўлагини, энг йирик самолётларини ҳам бемалол қабул қила оладиган иккита терминалини, перрон ва ангарларини барпо қилаётган қурувчиларнинг ишлари билан танишди.

Бу манзилни янгидан яратиш ҳам давлат раҳбарининг узоқ йиллик орзуларидан бири эди. Шундан эди қурувчиларнинг «Янги аэропортнинг бош архитектори Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ўзлари бўлади!» дея ифтихор билан меҳнат қилишларининг боиси. Дарҳақиқат, аэропорт лойиҳаси, унинг мураккаб нуқталаригача бўлган чизмаларининг ҳаммаси шахсан Президент ташаббуси билан яратилган. Аэропортнинг Ўзбекистон иқтисодиётига, йўловчиларга келтирадиган беҳисоб фойда ва қўлайликлари-ю вилоятда туризм дарвозаларини катта очиб юбориши ҳам беш қўлдай аён эди Президентга. Амалга оширилётган ишларнинг ҳар қадамида синчиклаб кўздан кечирган давлат раҳбари тегишли маслаҳат ва кўрсатма-

лар берди, қурувчиларга ташаққурлар айтди. Меҳрли сўзларни Юртбошининг лафзидан эшитиш кишига қанчалар қувонч, куч ва илҳом бағишлаганини ўзингиз тасаввур қилаверинг.

2

Яна тасаввур қилинги, сиз курама тоғлар орасида кумуш камардек ялтираб ётган ўнлаб дарё-ю сойларнинг энг шўхи ва гўзали бўлган Паркентсой соҳилида турибсиз.

Тошлардан тошларга урилиб, қирғоқларга майин эпкинлар сачратганча пастликларга энаётган, бир замонлар Мирзо Бобур от ўйнатиб ўтган, не-не жангу жадаллар гувоҳи бўлган Паркентсой соҳилларида ҳаёт қайнайди. Осмонга қўл чўзган кранлар, қурилиш анжомлари ташйётган машиналар овози бинокорларнинг ҳай-ҳайларига қўшилиб жозибадор, жанговар куйга айланиб кетганки, қараб қўзингиз тўймайди. 5 минг 200 хонадонга мўлжалланган 125 та қўп қаватли уй, 2 та мактаб, саккизта боғча, 10 гектарлик парк, суний қўл, сайилгоҳ ва велоўйлақлар барпо қилиниши керак олти гектарлик мазкур манзилда. 17 километрдан иборат ички йўллар эса кафтдай текисланади. Бундан ҳам зўри, 24 километр узунлиқдаги «Байт-қўрғон — Паркент» электрлаштирилган темир йўли қурилади...

Аслида ҳамир учидан патир ҳали булар. Бир китобга сиймайди уларнинг барисин санасак агар. Шу боис айримларини тилга оламиз: Қумушқонда 100 гектар ерда туризм объектлари қурилади. Олтин бел чўққисида ташкил этиладиган тоғ-чанги қурут зонасида янги кўприк, 7 та дор йўли, 3 та тоғ-чанги йўли, 4 та меҳмонхона, 40 та вилла, 4 қаватли автотурагоҳ, вертолёт майдончаси, ресторан, болалар майдончаси барпо этилади. Австрия компанияси эса 1200 гектар майдонда тоғ-чанги қурутти яратди. Лойиҳалар тўла амалга ошганидан кейин кунига 15 минг сайёҳни қабул қилиш имконияти пайдо бўлади Паркентда. Сўроқ томонларда ҳам аини йўналишда етти гектарлик сайёҳлик маркази ташкил қилиниб, унда 100 кишилик чойхона, 350 хонали 2 та 11 қаватли меҳмонхона, шале типидидаги уйлар, соғломлаштириш маркази, автотурагоҳ, супалар, осма кўприклар, кемпинглар, кузатув майдонлари каби 17 турдаги объектлар барпо қилинади.

Янгидан ташкил этиладиган 54 гектарлик боғда гилос, олма, нок, малинанинг экспортбоп навлари етиштирилади. Франция ва Испания томонлардан ўзини ўзи чанглашти хусусиятига эга дарахтлар келтирилади. «Ақлли» агрегатлар нами қочган ерларни автоматик равишда сўғоради. Бу йил 500 тонна олма, 400 тонна нок, 256 тонна гилос, 30 тонна малина етиштириш кўзда тутилган бўлса, келажақда уларнинг миқдори икки-уч баробар ошади. Қисқаси, туманда қиймати 1 миллиард долларлик 52 та лойиҳа амалга оширилади. Натижада 3300 та иш ўрни, 1 миллион сайёҳга хизмат кўрсатиш имкони яратилади.

3300 иш ўрни. Бу — 3300 хонадон ободлиги, агар ҳар хонадонда учтадан жон бўлса — 9900, 5 тадан бўлса — 16500 инсоннинг хотиржамлиги, тўқлиги, эртасига, индинига ишончининг барқарорлиги деганидир! Серфарзанд паркентликлар учун мазкур рақам қанчалар аҳамиятли эканини тасаввур қилиш қийин эмас. Бир миллион сайёҳга хизмат кўрсатиш эса бир миллион

рўзгорнинг тўқислиги, дастурхонининг тўқинлигини таъминлайди.

Жалолиддин Румий ҳазратлари ноёб саховат эгаларига шундай таъриф берган: «Энг буюк Ҳаж бир кўнгилга йўл топиб киришдир. Бир кўнгил юзларча Каъбадан гўзалдир. Каъба ҳазрати Иброҳимнинг биноси бўлса, кўнгил Аллоҳнинг назаргоҳидир».

3

Мана энди Президент Шавкат Мирзиёевнинг Тошкент вилоятига қилган битта ташрифи неча минглаб кўнгилларга севиноч, бахт, умид, ишонч, гўзаллик, нур бағишлаганини чама-лаб кўринг. Сўнгра унинг ёнига яна ўн ташрифни қўшинг. Ўн ташриф — ўн тўлғаниш, ўн уйғониш, ўн эврилиш. Ҳар ташрифдан сўнг ҳеч нима йўқ жойларда азамат корхоналар қад кўтараётгани, чақиртикан, ажриқ босган ерлар гулларга қўмилиб бораётгани, юз-юзлаб оилалар уй-жойли бўлаётгани-ю қаерга бош уришини билмай юрган минглаб ёшларнинг иш билан таъминланганини ҳисоблаб кўрсангиз, Президент ташрифларининг мазмун-моҳиятини янада тeранoқ ҳис қиласиз.

«Ҳис қилиш» ёқимли, албатта. Аммо бундай ютуқларга қандай эришилди? Ер ўша, сув ўша, об-ҳаво, одамлар — ҳаммаси ўша-ўша-ку! Нега шунча йиллар мобайнида фойдаланилмади бундай имкониятлардан? Ёки ҳазрати Хизр бобомиз қутилмаганда ҳазина топиб, «Олинг, бўталарим», дея совға қилдиларми вилоят аҳлига? Бундай саволларнинг ҳамма жавоби яна Президентга, давлат раҳбарининг вилоят бўйлаб амалга оширган табаррук ташрифларига, халқ хузурига йўл олишдан аввал уларни қийнаётган муаммоларни ҳал қилиш учун қанча тунларни бедор ўтказгани, китоблар варақлагани, ўйга толгани, дунё тажрибаларини таҳлил қилгани-ю жонини қийнаб изланганларига уланиб кетади.

Излаган имкон топади, илож топади, йўл топади, деганлари шу бўлса керак-да.

Фақат Тошкент шаҳри ёки вилояти эмас, умуман, Президентнинг ҳеч қачон, ҳеч қаерга шунчаки «томоша» учун бормаслиги, ҳақ ҳудудга йўл олмасин, ҳамиша ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган ташаббус шодалари билан бориши, давлат раҳбарининг қадами етган манзиллар эса ободлик наваларига қўмилиши ажиб анъанага айланиб кетди юртимизда.

Йўқни бор қилиш, мудроқ нигоҳларни уйғотиш, сокин сойларга дарёлар шиддатини олиб кириш учун қандай роҳатбахш азобларнинг бошдан кечиргани эса Президентимизнинг ўзи-ю ёлғиз Яратганга аён. Ишончим комилки, бу сўзларда заррача муболага йўқлиги исботга муҳтож эмас. Қолаверса, давлатимиз раҳбарининг дунё тақдирига доир мураккаб масалаларга ҳам шарқона ақл билан оқилона ёндашаётгани, муаммолар тугунини ечиш йўлидаги ноёб қобилияти жаҳоннинг таниқли давлат ва жамоат арбоблари, йирик сиёсатчилари таҳсинига сазовор бўлаётгани ҳам аён ҳақиқат.

Эсланг, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг сайё-ҳаракатлари билан Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги қанчадан-қанча ўй-дим-чўқур йўллар текисланди, Европа давлатларининг ишончи қайта тутилди бу заминга, дунё банкларига, ишбилармонларига дарвозалар катта очилди, ҳеч ким тан олмай, яккаланиб қолаёт-

ган Афғонистонга муносабат тубдан ўзгармоқда. Зотан, шундай ватанпарвар, тинчликсевар, бир сўзли фазилатлар исботлайди улугъ шахсларнинг тарихдаги ўрнини.

Яхши биламиз: Ўзбекистон Президенти учун айтилган сўз — отилган ўқ. Ваъда — вафоси билан азиз. Юзлаб мисоллар келтириш мумкин биргина Тошкент вилоятининг ўзидан.

Масалан, Шавкат Миромонович 2017 йилда Тўйтепа шаҳарчасини вилоят пойтахтига айлантириш ҳақида сўзлади. Сал ўтмай, Тўйтепа қайта номланиб, Нурафшон шаҳри сифатида Тошкент вилоятининг маъмурий марказига айланди. Таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди 7-8 йил орасида Нурафшон. Бир маҳаллар Нукент, кейинчалик Тўйтепа номидида бу манзил катталиги бўйича Бисикент, Қанға, Банокат, Тошкент сингари шаҳарлар қаторида турган бўлса-да, умрида бугунгидек ободликларни кўрмаган. Шаҳардаги 22 та маҳалланинг ҳамма кўча ва уйлари бошқатдан қурилди. «Ақлли шаҳар» концепцияси асосида Сингапурнинг «DIPART» компанияси ҳамкорлигида қиймати 2,5 миллиард долларлик ишлар бошланиб кетди. Чигирик ва «ПШК» қўрғонлари шаҳар ҳудудида ўтказилди. 246 гектар майдонда 20 минг аҳоли яшайдиган шаҳарча қад ростла бошлади. Иккинчи босқичда аҳоли сони 63 мингга, шу йил адоғида эса 77 мингга етади.

Тасдиқланган бош режага мувофиқ 246 гектар майдондан иборат шаҳар қурилиши уч босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда 114 гектар ерда 20 минг аҳоли истиқомат қиладиган 72 та бино ва иншоот бунёд этилади. Иккинчи босқичда майдон 95 гектарга кенгайиб, 53 минг аҳоли учун 80 та бино ва иншоот қурилади. Учинчи босқичда қурилиш яна 37 гектарга кенгайиб, 77 минг аҳоли яшайдиган 48 та бино қурилади.

Ҳозиргача 168 ўринга мўлжалланган 2 қаватли «Президент мактаби», замонавий меъморлиқнинг сўнгги ютуқларини ўзида мужассам этган кўпқаватли уйлар, замонавий бинолар фойдаланишга топширилди. Янги мактаблар, институт ва университет, хибонлар, тижорат банклари, бизнес марказлари, театрлар, кутубхоналар, Ёшлар маркази, амфитеатр, уйингоҳлар, ишлаб чиқариш корхоналари барпо этиш давом этмоқда. Ватанпарвар боғи, Медиа ходимлари ва ижодкорлар боғи, Зулфия Зокировага бағишланган «Матонат мадҳияси» мемориал мажмуаси, гипермаркет, соғломлаштириш йўлаклари қуриляпти. Келгусида Тошкентдан Нурафшонга ҳамда бошқа йўналишларга қатновчи тез юрар электробустлар қатновчи йўлга қўйилади. Тошкент билан Нурафшон ўртасида ерусти метро қатнови ҳам бу ернинг ўзига хос салоҳияти ифодасига айланади. Президентимизнинг «Европанинг санокли давлатларида бор бўлган энг замонавий шаҳарни биз Тошкент вилоятидан бошлаб берайлик», деган эзгу нияларининг ифодасига айланади буларнинг ҳамма-ҳаммаси.

Ҳа, Нурафшон ҳадемай «ақлли шаҳар» сифатида мамлакатимиз фаҳрига айланади.

Яқинда, аниқроғи, Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари байрами арафасида «Матонат мадҳияси» мемориал мажмуаси зiyorати бўлган журналистлар вилоят ҳокими Зойир Мирзаевнинг сўзларини эшитиб, фахру ифтихорга тўлдилар.

— 2025 йилда 612 минг аҳолини иш билан таъминлашимиз, 25,3 минг



■ ЮРТИМИЗ БЎЙЛАБ...

■ ЙИГИЛИШ

МУҲОКАМАЛАР МАРКАЗИДА «АЁЛЛАР ДАФТАРИ»

Фарғона вилояти Ахборот-кутубхона марказида Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Умида Абдуллаева, «Аёллар дафтари» бўйича Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясидан бириктирилган масъул раҳбар Абдуғаффор Салихов раҳбарлигида «Аёллар дафтари»нинг 6-босқичида хотин-қизларга кўрсатилаётган амалий ёрдамлар ижроси бўйича танқидий-таҳлилий йиғилиш бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокимлиги, масъул идоралар вакиллари, туман, шаҳар ҳокимларининг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосарлари иштирок этди.



Йиғилишда қайд этилишича, жорий йил бошида «Маҳалла еттилиги» аъзолари билан биргаликда, уйма-уй юриш орқали ижтимоий ҳолатидан келиб чиқиб, 111 минг 778 нафар хотин-қиз «Аёллар дафтари»нинг 6-босқичига рўйхатга олинган. Шу кунгача уларнинг 97 минг 667 нафарига амалий ёрдам кўрсатилган.

Аммо айрим туман ва шаҳарларда бу борадаги ишлар бироз орқада қолмоқда. Шу боис дафтарга киритилган опа-сингилларимизнинг ҳаётдан умиди катта экани айтиб ўтилиб, уларга кўрсатиладиган манзилли ёрдамларнинг сифати ва камровини ошириш бўйича масъул раҳбарларга кўрсатма ва топшириқлар берилди.

■ МУЛОҚОТ

«Раҳбар ва ёшлар» учрашуви

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши томонидан «Раҳбар ва ёшлар» учрашуви ташкил этилди. Касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги муносабати билан ўтказилган тадбирда кенгаш раиси Эркинжон Нуралиев ва раис ўринбосари Лолаҳон Аҳмедова ёшлар билан уларни қизиқтираётган масалалар бўйича санимий суҳбатлашди.



Мулоқот давомида юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ишловлар, ёшларга яратилаётган улкан имкониятлар ҳақида сўз юритилиб, улардан унумли фойдаланишга чақирилди. Шунингдек, 120 йиллик тарих ва ҳодимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ҳақида фикр билдирилди. Бугунги кунда вилоятда 700 минг нафардан зиёд ишчи-ҳодим касаба уюшмалари атрофида бирлашган бўлса, шундан 220 мингдан ортигини ёшлар ташкил этади. Албатта, уларни қўллаб-қувватлаш баробарида мароқли дам олишларини ташкил этиш, тарихий қадамжоларга саёхатта

юбориш, иқтидор ва салоҳиятларини рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Хусусан, шу йилнинг ўтган даврида 200 нафардан зиёд ёш ишчи-ҳодим касаба уюшмалари тасарруфидига сиҳат-ҳолларда мазмунли ҳордиқ чиқариб, саломатликларини тиклаш имконига эга бўлдилар. 2 минг нафардан зиёди юртимиз бўйлаб диққатга сазовор жойларга бепул саёхатга юборилди.

Учрашув давомида ёшлар касаба уюшмалари фаолияти бўйича ўзларни қизиқтирган саволларга жавоб олишди. 50 нафар ёш Тошкент шаҳрига саёхатга юборилди.

Жамшид ЭРҒАШЕВ
«ISHONCH»

ТОТЛИ МЕВАЛАРИ

оиладаги 115,7 минг кишини камбағалликдан чиқаришимиз керак, — деди ҳоким. — Режани амалга ошириш учун вилоят ҳокимлиги, республика Халқ банки ва вилоят Марказий банки ўртасида ҳамкорлик шартномаси имзоланган. Банклар томонидан «Сайхунobod» тажрибаси асосида ҳар бир маҳаллада 40 тадан жами 41 мингта микролойиҳа амалга оширилади, 82 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилади. Ҳар бир маҳалладан камиди 10 тадан жами 10250 та хонадоннинг ўртача йиллик даромади 60-70 миллион сўмгача етказилади. «Бир контур — бир маҳсулот» асосида жами 649,2 гектарда 61 та намунали лойиҳа амалга оширилади.

«Үйчи» тажрибаси асосида 150 мингта доимий иш ўрни яратилади. Бунинг учун 10,8 триллион сўм имтиёзли кредит ажратилади.

Бундан ташқари, 2025 йилда 2,4 миллиард долларлик экспорт амалга оширилиши ва ўтган йилга нисбатан 166 фоиз ўсиш таъминланиши керак. Жумладан, саноат маҳсулотлари экспорти 2,2 миллиард долларга, мева-сабзавот экспорти 220 миллион долларга етиши зарур.

Ҳокимнинг сўзларидан аён бўлдики, экспорт ҳажмини ошириш вилоятда ривожланиш драйверига айланган. Унга кўра экспорт ҳажми тўқимачиликда 480 миллион долларга, электротехника саноатида 332 миллион, қурилиш материаллари 200,6 миллион, озиқ-овқат саноатида 175,7 миллион долларга кўпаяди.

Туризм соҳасида 2025-2026 йилларда умумий қиймати 3 миллиард 285 миллион АҚШ долларига тенг 265 та инвестиция лойиҳаси ишга туширилади ва 14 минг 487 та янги иш ўрни яратилади.

Биргина «Чорвоқ дарвозаси» лойиҳаси бўйича Ангрен дарёси, Паркентсой ва Чинознинг Сирдарёга туташ соҳилларидан бир қанча кўпқаватли уйлар, меҳмонхоналар, дам олиш ва кўнгилочар масканлар, хизмат кўрсатиш ва савдо шохобчалари ишга туширилади.

Бекобод туманининг янги ҳокими З.Низомиддиновдан Сирдарё устида янги кўприк қурилатгани, яқин келажда эса Ховос шаҳарчасидан Бекобод, Бўка, Пискент, Паркент бўйлаб қуриладиган темирйўл ҳақида эшитганимизда, мамлакат раҳбарининг таширифлари нақадар серхосил эканини яна бир карра англадик.

4

Ҳа, ютуқларнинг ҳаммаси Президент ташрифларининг ширин мевалари. Уларнинг қаторига 2018 йилги ташрифдан кейин «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик жамиятига қарашли йирик инвестиция лойиҳаларидан бири — ферроқотишмалар ишлаб чиқариш цехининг ишга туширилгани, 2021 йилда ОКМК таркибидаги «Ёшлик — 1» кони негизда 3-мис бойитиш фабрикаси қурилиши ва Юқори Чирчиқ туманида «Astrum» IT академияси ўз фаолиятини бошлаб юборгани, 2022 йилда Зангиота туманида «Менинг биринчи уйим» янги ипотека дастурини Тошкент вилоятидан бошлаш ташаббуси жорий қилингани, «Чирчиқ» кимё-индустриал технопарки очилгани, 2023 йили Оҳангарон туманидаги «Ташкент Конч цемент», Қуйи Чирчиқ туманидаги «Ташкент каттон текстиль», Юқори Чирчиқ туманидаги

«Азия Ташкент текстиль», «Салюбрис Вита», Ангрен шаҳридаги «Ангрен каолин», «Централ Азия Кемикалс», Нурафшон шаҳридаги «Агро Нью Дрип», Чирчиқ шаҳридаги «Шарқ Тюбс», Паркент туманидаги «Самсарақ фэйз» ва «Шабнам Элегант» каби йирик корхоналарнинг ишга туширилгани ҳамда бу корхоналарда цемент, ип-калава, тўқимачилик, фармацевтика, бойитилган каолин, кимё маҳсулотлари, томчилатиб сўғориш шланглари, рангли металллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани; 2024 йилда ОКМК таркибидаги «Ёшлик — 1» кони негизда 4-мис бойитиш фабрикасига старт берилгани, «Тошкент — Хўжакент» йўналишида янги электропоезд қатнови бошлангани, вилоят корхоналари томонидан шу йилнинг ўзида 7 507,6 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилгани ва бу 2017 йилга нисбатан 7 баробар кўпчилиги, 100 дан ортиқ давлат билан инвестиция ва экспорт соҳаларида ҳамкорлик йўлга қўйилгани, инвестиция дастурлари доирасида 71 та давлат билан умумий қиймати 11,5 миллиард долларга тенг 200 дан зиёд инвестиция лойиҳалари портфели шакллантирилгани, биргина Хитой Халқ Республикаси билан ҳамкорликда 4 миллиард доллардан ортиқ 25 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилаётгани кабилар қўшилиш, манзаранинг салобати янада тиниклашади.

5

— Президентимиз ҳамisha «кўзга кўринмас» имкониятлар илдизини топиб, улардан фойдаланиш чора-тадбирларини кўрсатиб берадилар, — сўзида давом этади вилоят ҳокими. — Бир келганларида хитойлик тадбиркор, «Galanz» компанияси асосчиси Лян Чжаосян ҳақида сўзладилар. Дунёдаги энг йирик машини техника ишлаб чиқарувчи заводлардан ҳисобланган мазкур компания ташкил толган 1992 йилда Хитой бўйича ҳаммаси бўлиб атиги 200 мингта микротўқинли печь чиқарилган экан. Орадан икки йил ўтгач, компания деярли 5 минг дукондан иборат миллий савдо тармоғи барпо қилади, ўн йилдан кейин кунчага юз минг микротўқинли печь ишлаб чиқара бошлайди. 2013 йилда 4,5 миллиард доллардан ортиқ даромад олиб, қирқ минг кишини иш билан таъминлайди. Лян Чжаосян 1,01 миллиард доллар бойлик билан «Forbes»да дунёнинг энг бой одамлари рўйхатида қиради. Бу ҳоким вилоятимиздаги жуда кўп тадбиркорларга илҳом бағишлайди.

2017-2024 йилларда тадбиркорлар томонидан амалга оширилган ишлар вилоят ҳокимининг сўзлари нақадар тўғрилигини тасдиқлайди. Яна мисолларга мурожаат қиламиз. 2019 йили Бўстонлиқ туманида «Амирсой» тоғчанги курорти расман иш бошлади. 2020 йилдан вилоятнинг 6 та ҳудуди «Олтин ҳалқа» туризм концепцияси асосида ривожлантирила бошланди. 2021 йили Паркент туманининг сўлим гўшаларидан бири «Кумушқон» маҳалласи республикада биринчи «Туризм қишлоғи», «Туризм маҳалласи» мақоми олдди. 2021 йилдан буён Тошкент вилояти «Халқаро жееп спринт» мусобақасига мезбонлик қилмоқда.

Вилоятда ўтган 5 йилда 267 та туризм объекти барпо этилиб, соҳага 5,5 триллион сўм ва 156,1 миллион доллар хорижий инвестиция жалб қилинди.

2024 йили 282 миллион доллар миқдордаги 56 та лойиҳа амалга ошири-

лиши натижасида 1042 та янги иш ўрни яратилди. Вилоятга 16 миллион 337 минг нафар турист келди. Уларнинг 984,2 минг нафари хорижий туристлардир. Туризм хизматлари экспорти 390 миллион АҚШ долларига етди.

Ҳозир 74 та оилавий меҳмон уйи ҳамда маҳаллий ва хорижий туристларга хизмат кўрсатувчи 46 та туристик фирмалар фаолияти йўлга қўйилган. Оҳангароннинг Эртошсой ва Овжазсой қишлоқларида, Паркентнинг Чашма, Кумушқон қишлоқларида «туризм қишлоғи» мақоми берилган.

Чирчиқ давлат педагогика университетининг туризм факультети ва Бўстонлиқ туризм ва сервис коллежида 542 нафар талаба таҳсил олмоқда. 2024 йилда таълим муассасаларини тамомлаган ёшларнинг 152 нафари ўз йўналиши бўйича ишга жойлаштирилди.

Вилоятда туризм диверсификацияси, яъни ҳудудларда туризмнинг аниқ бир йўналишлари бўйича ихтисослашув дастури қабул қилинган. Унга кўра, Зангиота ва Тошкент туманларида тиббиёт туризми, Оҳангарон, Пискент, Чиноз ва Ўрта Чирчиқ туманларида ов туризми, Бўстонлиқ, Паркент туманлари ва Ангрен шаҳрида тоғ экстремал туризми, Зангиота, Бўстонлиқ, Паркент, Оҳангарон, Оққўрғон, Юқори Чирчиқ туманлари ва Ангрен, Нурафшон шаҳарларида зиёрат туризми, Бўстонлиқ, Паркент, Чиноз, Бўка, Янгийўл, Қибрай туманлари ва Янгийўл шаҳрида гастрономик туризми, Бўстонлиқ, Паркент, Оҳангарон туманлари ва Ангрен шаҳрида эко ва агро туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Сув ҳавзалари бўйларидан туризм мақсадида унумли фойдаланиш йўналишида «Тўябўғиз» сув ҳавзасидаги «ТашВегас» оромгоҳида замонавий бассейн ва пляж фойдаланишга топширилди. Нурафшон шаҳрида сунъий кўл ҳавзаси ташкил этилиб, доимий равишда ташриф буюрувчиларга концерт дастурлари ва кўнгилочар хизматлар кўрсатилмоқда. Бўстонлиқ туманининг «Хевенс Гарден» дам олиш масканида Сингапурнинг «Марина-Бей» сув ҳавзаси андازаси асосида замонавий бассейн бунёд этилди. Кичик ҳажмдаги сув ҳавзалари сони 184 тадан ошиб кетди.

6

Тошкент вилоятини мамлакатимизнинг энг йирик ҳудудларидан, дедик. Дарҳақиқат, бир томони Қўзғоғистон, бир томони Қирғизистон ва Тожикистон Республикалари, яна бир томони Наманган ва Сирдарё вилоятларига туташиб кетган бу заминнинг 15 та тумани ва 7 та шаҳрида 80 миллатга мансуб 3 миллион 100 мингдан ортиқ аҳоли истикомат қилмоқда.

Курама, Пискон, Угом, Чотқол каби тоғлар атрофида кўр тўкиб турган заминнинг Чирчиқ-Оҳангарон водийси, Курама тоғи, Ангрен-Олмалик атрофлари мис, полиметалл рудаларига, олтин, қумуш, қўрғошин, алюминий каби фойдаланиш қазилмаларига, кўнғир кўмир, молибден конлари, плавик шпати ва дала шпати ҳамда турли хил қурилиш материалларига тўла.

Вилоятда энергетика, машинасозлик, металлургия, кўмир, кон металлургияси, кимё саноати, пойабзал, пахта тозалаш, озиқ-овқат, тўқимачилик ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш тармоқлари гурираб ривожланмоқда. Бекобод шаҳридаги «O'zmetkombinat», Олмалик шаҳридаги «ОКМК», Ангрен кўмир конлари, Чирчиқ қишлоқ хўжалиги ма-

шинасозлиги кластери кабиларнинг шўхрати мамлакатимиз ташқарисида ҳам маълум ва машҳур.

Вилоят ҳақида сўз борганда, Сўқоқнинг шашлиги, Паркентнинг мадор сомаси, Бўканинг чойхона палови, Пискент мантиси, Чинознинг қовуриб, карсиллатиб пиширилган қарас балиғи ёхуд Бўстонлиқнинг «Бочка» маставаси, Қибрай ҳалими, Юқори ва Ўрта Чирчиқ туманидаги корейс кукисси каби ноёб таомларни эсга олмаслик мумкин эмас. Вилоятдаги ҳар бир миллатнинг ўзига хос бадийи жамоалари мавжуд. Масалан, Ангренда «Чотқол наволари» халқ фольклор-этнографик жамоаси, «Шош Илоқ маржонлари» фольклор жамоаси ва «Аньана» болалар фольклор тўғарақлари бор. Уларда миллий қадрият, урф-одат ва аъёналар тараннум этилса, Оҳангарон шаҳридаги «Курама» фольклор-этнографик халқ ансамбли ва Чирчиқ шаҳридаги «Сўғдиён» тожик миллий маданият марказида турли миллатларга мансуб аҳолининг дилбар куй-қўшиқлари қўланади.

7

Аммо, таъкидлаш керакки, қадимдан Буюк Ипак йўлидаги илм-фан, хунармандчилик, маданият тараққий этган маконлардан бўлган Тошкент вилоятининг тарихи хали-хануз мукаммал ўрганилган эмас. Хўжакент яқинидаги ғордан топилган тош даврига мансуб одам суягининг қолдиқлари ва қоялардаги суратлар бу воҳада қадимда ибтидоий одамлар яшаганидан далолат берса, Юнон, Хитой ва Шарқ манбаларида милоддан аввалги V-II асрларда ҳам бу заминда одамлар истикомат қилгани айтилади. Қўлбулоқ яқинидаги Қизилполмасой ва Қўшсойдан топилган қадимий тош қуроллар ясалган устахона эса вилоят замини олис-олис замонларда ҳам одамларнинг муқаддас манзилгоҳи бўлганидан далолат беради.

Чирчиқ водийсидаги Бурганли сойдан топилган темир даврига оид сопол, металл, тошдан ясалган уй-рўзгор буюмлари, жумладан, чойнаксимон тумшўқли ва қўлоқли қозонлар, меҳнат қуроллари милоддан аввалги асрларда ҳам вилоятда ривожланиш бўлганини тасдиқлайди.

Кейинчалик воҳада қалъа ва шаҳарчалар қўнайиб кетгани боис бу ерларга Шош, яъни минг қалъали давлат таърифи берилди. Минг қалъаларнинг бири бўлган Оқтепа қўргони ўзига хослиги билан ажралиб туради. Мустаҳкам мудофаа деворлари билан ўралган қалъа илк ўрта аср шаҳарларининг арки ва шаҳристони бўлган.

Ҳозир вилоятда сайёҳлар борадиган 20 га яқин машҳур зиёрат манзили бор. Шайх Умар Вали, Авлиёсойдаги Икрина ота, Қадамчи бува, Авлиё Парпи ота, Қирқизобод ёки Қирққиз моми зиёратгоҳлари шулар жумласидандир.

Умуман, ҳозир Тошкент вилоятининг археологик харитасига 760 та кўҳна манзилгоҳ, шаҳар ва қишлоқ харобалари, қадимий қабристонлар, мудофаа ва ирригация иншоотлари киритилган. Киритилмаган ва урганилмаганлари яна қанча экани эса маълум эмас.

Маълуми шуки, Ўзбекистон Президентининг вилоятга ҳар сафарги ташрифида барча соҳалар каби азиз-авлиёларнинг қадамжоларини обод қилишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Улуғ боболаримиз қўллаб турган юрт эса ойма-ой, кунма-кун ривожланиб, юксалиб бораётир.

Тошкент вилояти Ўзбекистоннинг Кўркам боғларида чинор бўлгайдир. Дилбар лавҳаларни кўрган инсоннинг Қалби дарё-дарё нурга тўлгайдир. Чашмалар сойларга бўлгайдир йўлдош, тўллар. Рўёбга чиққайдир эртақлар, шулар. Фалақда ярқираб нур сочгай куёш, Бардавом бўлгайдир кутлуг ташрифлар...

ТАХРИРИЯТДАН:

Ушбу мақола уйғоқ зиё-
лининг юрагидан чиққан сўз-
лар. Бу нидолар ўз-ўзидан пайдо
бўлмади. «Катта шаҳар-
ларда ҳам кичик кўн-
гилсизликлар бўлиб
туради», деганла-
ридек, жамияти-
мизда бўлаётган
эврилишлар, ях-
ши-ёмон ҳолат-
лар шоирни
безовта қи-
лади. Негаки,
унинг қалбида
акс-садо бе-
раётган нидо-
лар барчамизни
серганликка чор-
лайди.
Муҳтарам газет-
хон, гапнинг ин-
даллосини мутолаа-
дан сўнг ўзингиз
айтасиз!



КЕЧАНИНГ ТИНЧИНИ БУЗАЁТГАНЛАР

ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИГА!

нинг айби билан бир кеча безовта бўл-
сангиз бўлибсиз-да, бир кеча минг ке-
чамас, ўтиб кетади», дерсиз. Йўқ, Ху-
донинг берган кечаси шу. Шаҳарнинг
йўл бўйи қатор тизилиб кетган кўпқа-
ватли уйларида минглаб кексалар бор,
ўн минглаб болалар бор, минг-минглаб
тонгдан ишга кетиши керак бўлган одам-
лар бор, озми-кўпми, беморлар бор.
Уларнинг ҳаммаси ҳар куни тунги мо-
тоцикллар овозидан қаттиқ азият че-
кишади. Маданиятнинг кўчасига кириб
кўрмаган бу худбинлар эса, ўз завқ-
шавқи учун шаҳарнинг тинчини бузди-
лар, миниб олган матоҳи гўмбурлаши-
дан кўпирадилар. Одамларга қанчалар
озор берадман, оромини ҳам, асабини
ҳам бузаялман деган ўй елкаси устидаги
бўш қовоққа келмайди бу кимсаларнинг.
Улар кун бўйи сасиб ухлаб ётади-да,
бойўғлига ўхшаб нуқул тунги соат 24 дан
кейин пайдо бўлишади. Дам олиш кун-
лари ҳам, иш кунлари ҳам аҳвол шу.
Йўл ҳаракати хавфсизлиги томони-
дан белгиланган жарималар жуда кўп.
Йўллардаги видеокамералар ва ИПХ
ҳодимлари жуда хушёр, ҳатто бир чизик
чала босилиб кетса, бас, дарров жари-
мага тортиласиз. Лекин бутун шаҳарнинг

тинчини бузаётганларга чора борми?
Бу каби «гипертовушли» мотоцикллар-
нинг соат 23 дан сўнг юришларини тўх-
татиш керак. Одамларнинг тинчи учун
шундай қилмаса бўлмайди. «Яхши дам
– меҳнатга ҳамдам». Ўзингиз уйланг, мо-
тоциклларнинг тунги шовқин-суронидан
кечаси билан ухлай олмаган одамнинг
эртасига иш унуми қандай бўлади? Шу
аҳволда мактабга борадиган боланинг
фанларни ўзлаштириши-чи?
Кўп гап эшакка юк, фаросатсизга
минг насиҳат қилгандан кўра, жиловини
қаттиқ тортиб, хиналаб қўйиш фойдали-
рок.
Хуллас, соат 02:41 да «мотоцикл мо-
мақалдири»дан уйғониб кетган эдим.
Шундан сўнг ҳар 10-15 дақиқада бу «мо-
мақалдирик» қайталаб турди. Ухлай ол-
мадим. Ҳозир соат 04:19. Ана, яна бир мо-
тоцикл юрт тинчини бузиб, шовқин солиб
келяпти. Қаттиқ газ берилди. Сўнг қаттиқ
тормоз. Яна қаттиқ газ. Яна тормознинг
кўрқинчли чинқириғи. Қўшни уйлардан
эса, болалар йиғиси эшитилди.

Эшқобил ШУКУР,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими

Шаҳар мар-
казидаги Ёзувчи-
лар уйида яшайман.
Ярим кечаси қаттиқ то-
вушдан уйғониб кетдим.
Товуш шунчалар кучли
эдики, уйларнинг деворлари зи-
риллаб кетди, десам, муболаға бўл-
майди. Худо кўрсатмасин-ку, гипер-
товушли ракетанинг овози ҳам шунча
бўлар. Хайрият, ракетамас, бу тўхтов-
сиз газланаётган мотоцикл шовқини.
Уйку ва кўркүв аралаш ўрнимдан туриб,
соатга қарадим. Соат 02:41 экан. Эртага

душанба, иш кўп бўладиган кун, дам
олишим керак. Яна ўрнимга қўзилдим.
Орадан 7-8 дақиқа ўтмай бошқа бир мо-
тоцикл Исрофил сур чалгандай ҳамма-
ёқни ларзага солиб ўтди. Худо фаросат-
дан қисган мотоциклчи атайлаб бор кучи
билан газни босар, мотоцикл ҳам кутур-
ган буқадай оламни бузиб бўқирарди.
Бир неча лаҳзадан сўнг эса, жуда қат-
тиқ тормоз чинқириғи асабларни емириб
ўтди. Қўшни уйлардан болалар йиғиси
эшитилди. Кимдир сўқинди.
Бу шовқин-сурон тонггача тинмайди.
«Ҳа, энди қандайдир ишқивозчалар-

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

мами, дерсиз. Тўғри, бир бола эшик
қоқиб, пул сўраб чиққани ҳеч нарсани
ҳал қилмаслиги мумкин. Лекин бу
охир-оқибат жамиятни таназзулга етак-
лайди. Шунинг учун ушбу масала
Тўғри, болалар ҳуқуқлари қонун-
лар билан ҳимояланган. Хусусан, те-
гишли ташкилот ва идоралар айнан
болалар тиланчилигига қарши кескин
кураш олиб борапти. Аниқланган ҳо-
латлар бўйича ота-оналарни жари-
мага тортапти. Бу ишни ўзига касб
қилганлар билан тушунтириш ишлари
олиб бориляпти. Бироқ натижа...
Одам гавжум жойларда норасида
гўдақларнинг зорланиб, гўёки «сал-
фетка» сотиш баҳонаси билан тилан-
чилик қилаётганига тез-тез дуч
келаверамиз, келаверамиз. «Акажон,
опажон, илтимос, озгина ёрдам бе-
риб кетинг. Онамга дори олишим ке-
рак», деган ўтинч ва илтижолардан
қўлоқлар қизармайди, ҳатто... «Менга
нима», деб бепарволарча ўтиб кета-
верамиз, кетаверамиз.
Кошки эди, болаларнинг ҳуқуқла-
рини ҳимоя қиладиган ҳуқуқий ҳуж-
жатлар, ташкилотлар ўғил-қизлари-
мизни бу йўлдан қайтара олса, уларга
бахтли болалиқни тортиқ эта олса...

БОЛАЛИГИ ЙЎҚ БОЛАЛАР...

Кўча-кўйда тиланчилик қилиб юр-
ган қоракўзларнинг аҳволига қаранг.
Биронтаси болалигини мана шундай
хор-зорликда ўтишини орзу қилма-
гандир. Тинч ва фаровон мамлакатда
уларнинг шу аҳволда юриши ота-она
учун уят, иснод эмасми...
Фарзанд инсониятга берилган энг
азиз неъмат саналади. Шу ҳушла-
дан, келажакимиз бевосита улар би-
лан боғлиқ. Демак, ҳар бир ота-она ўз
мажбуриятини ва масъулиятини ҳис қи-
лиши, аввало, фарзандига тўғри таъ-
лим-тарбия бериши зарур.
Аттанг, «Болалиқдан пул топишга
ўрганиши керак», деган тағи пуч ид-
долар билан ўз зурриёдин тилан-
чиликка мажбурлаётганлар, бировга
қарам қилаётганлар газета ўқишмай-
ди-да... Ўқиганда эди, фарзандини бу
ишга жалб қилмаган бўларди...

Хусния ПАРДАЕВА,
журналист

ЭХТИЁТ ШАРТ!

СУВ БАЛОСИДАН АСРАСИН

Ёз фаслида сув ҳавзаларида чўмилиш ин-
сонга роҳат бахш этади. Аммо бундай вақт-
ларда ҳар бир инсон бепарқарор ва бепар-
воликдан йироқ бўлиши, белгиланган қои-
даларга амал қилиши даркор.

Статистик маълумотларга кўра, ёшларнинг 95
фоизи ота-оналар томонидан назоратсиз қолди-
рилгани ҳамда ўзбошимчилик билан белгилан-
маган ва тақиқланган жойларда чўмилиши оқи-
батидан сувда чўкиб ҳалок бўлган. Катта ёшдаги
фўқароларнинг сувда чўкишларига эса уларнинг
спиртли ичимликлар истеъмол қилиб, маст ҳолда
чўмилиш учун сувга тушишлари сабаб бўлмоқда.
Шу боис сув ҳавзаларидаги бахтсиз ҳодиса-
ларнинг олдини олиш мақсадига қуйидаги оддий
қоидаларга амал қилиш лозим:

- ҳеч қачон белгиланмаган жойларда (дарё,
сой, кўл, сув омбори, канал ва арик) чўмилманг;
– «Чўмилиш тақиқланади» деб ёзилган махсус
белгиларга қатъий амал қилинг;
– ёзги таътил даврида болаларнинг белгилан-
маган жойларда чўмилишга боришларига йўл қўй-
манг;
– ёш болаларни назоратсиз қолдирманг;
– спиртли ичимликлар истеъмол қилиб, чўми-
лишга борманг;
– фақатгина руҳсат этилган махсус сув ҳавза-
ларида чўмилнг.

Б.ЖўРАЕВ,
Қашқадарё вилояти Қарши тумани
ФВБ етакчи инспектори,
Ҳ.ХОЛМУРОДОВА,
ФВБ етакчи мутахассиси

Меҳнатнинг тағи роҳат. Топиб айтилган гап. Ҳалол ишлаб топилган
луқма ширин ва тотли бўлади. Шу боис азалдан одамлар ўз саъй-ҳа-
ракати билан кун кўришга, меҳнат қилиб, рўзгор тебратишга даъват
қилинади. Болалиқдан ҳаммамизни шунга ўргатишган. Аммо охириги
пайтларда дилни хуфтон қиладиган бир ҳолат – болалар тиланчилиги
кўпайиб кетди. Афсус, бу ҳақда қанча гапирмайлик, ҳаракат қилмай-
лик, фойдаси бўлмаяпти. Ачинарлиси, айрим ота-оналарнинг ўзлари
фарзандини тиланчиликка мажбурлашяпти.

«БОЛАЛИҚДАН ПУЛ ТОПИШНИ
ЎРГАНСА, НИМАСИ ЁМОН»
Яқинда ўзим билан бир ҳодиса
бўлди-ку, ким келди?
– Нодир, нариги «дом»да яшайди,
– деди-ю эшик томон чопқиллади.
Бориб қарасам, ҳақиқатан ҳам
кўшининг ўғли – Нодир.

– Болам, рамазон ойи тугаганини
биласанми? Эшикма-эшик юр-
ганидан ойингнинг хабари борми?
– Билади, ўзи шунга буюрди.
Юрагим увишиб кетди. У қан-
дай онаки, 7-8 ёшли норасидани шу
ишга мажбур қилса... Бу иши билан
ўғлининг гурурини синдираётганини
наҳотки англамасам...
Орадан бир неча кун ўтиб, Нодир-
нинг онасини учратиб қолдим. Атай-
лаб тўхтадим ва ўғлининг ўша кўни
эшикма эшик юрганини айтдим.
– Нима қипти, чиқса, ўзи пул то-
пишни ўрганса нимаси ёмон? Ўғрилиқ
қилаётгани йўқ-ку, – дея жавоб берди
саволимга.
– Тўғри, сизнингча фарзандингиз
ноҳўя иш қилмаётгандир, аммо ўғил бо-

лани бундай йўлга бошлаш унинг кела-
жагига болта уришдек гап. Аслида дил-
бандингизни ёшлигидан ҳалол меҳнатга
ўргатишингиз керак эмасми?
Аёлнинг қовоғи осилди.
– Бола ўзимники, нима истасам,
шунини қиламан! Ҳа, ўғлим сиздан пул
сўраб, хато қилибди, айтаман, бошқа
эшигингизни тақиллатиб бормайди.
«Меҳрибон она»нинг бошқа гап-
лари қўлогимга қирмади. Унга гапи-
ришдан фойда йўқлигини англаб, йў-
лимда давом этдим. Эсиз болалиқ,
хайф оналик...

БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИ
ҲИМОЯДА, АММО...

Бугун тилани болалар камми, бир
қўшининг ўғли чиққанига шунча ваҳи-

Мароқли
дам олинг,
азиз газетхон!



Илҳом Жўраев
ижросида

«АЗИЗ
ДЎСТЛАРИМ»
қўшиғи

Ахтарганим, излаганим – дўстларим!
Қайга борсам, кўзлаганим – дўстларим!
Эл-юртимга сўзлаганим – дўстларим!
Доим омон бўлинг, азиз дўстларим!

MUASSIS:

O'zbekiston
kasaba
uyushmalari
Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda
O'zbekiston Matbuot
va axborot agentligida
116-raqam bilan
ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie»
gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOV, Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),
Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-90) 379-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir:
Salim Abdurahmonov

Musahhihlar:
Dilorom Xudoyberganova,
Umida Xudoyberganova

Sahifalovchi:
Hasan Abdullajilov

Bosishga topshirish vaqti – 19:20
Topshirildi – 19:40

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning
seshanba,
payshanba va shanba
kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning
kompyuter markazida
terildi va sahifalandi.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch
1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazetaning
poligrafik jihatdan
sifatli chop
etilishi
bosmaxona mas'ul.
Gazetaning yetkazib
berilishi uchun obunani
rasmilashrtirgan
tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 32 083 ta

Shundan: 6 086 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik
kompaniyasi bosmaxonasi –
Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;
18 116 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi –
Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;
7 811 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –
Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi,
236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma tabaq. Buyurtma G-711
1 2 3 4 5 6